

МАҲСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТНОМАСИ № 55

Урганч туман

25 ноябр 2022 йил

«URGENCH FOOD CENTER» МЧЖ бундан буён матнда «Сотувчи» деб аталувчи номидан раҳбари Р.Абдалазизов фаолиятини амалга оширувчи бир томондан ва Урганч туман мактабгача таълим бўлими бундан буён матнда «Харидор» деб аталувчи номидан раҳбари О.Пирназаров фаолиятини кўрсатувчи иккинчи томондан, қуйидагилар тўғрисида ушбу шартномани тузишди.

1. Шартнома предмети

1.1. «Сотувчи» ўзига тегишли мол-мулкни «Харидор»нинг мулки килиб (доимий хўжалик юритувчи ёки бутунлай бошқарувига) беради, «Харидор» эса мол-мулкнинг хақи тўлангандан кейин олиш мажбуриятини олади.

1.2.

№	Маҳсулот тури	Ўл. бир.	Микдори	Нархи	Суммаси	ККС 15 %	Умумий суммаси ККС билан
1	Картошка	кг	37862	3600	136303200		
2	Пиёз	кг	11360	2600	29536000		
3	Сабзи	кг	9467	1700	16093900		
4	Гурунч	кг	3787	7500	28402500		
	<b>Жами:</b>				210 335 600		

2. Шартнома нархи, баҳоси, суммаси (қиймати)

2.1. Шартноманинг умумий қиймати: 210 335 600 Икки юз ўн миллион уч юз ўттиз беш минг олти юз сўмни ташкил қилади.

3. Тўлов шартлари

3.1. «Харидор» «Сотувчи»нинг ҳисоб-рақамига шартномада кўрсатилган маҳсулот микдори суммасининг 30 фоизини олдиндан 5 банк иш кунида ўтказишни ўз зиммасига олади. Қолган 70 фоизи маҳсулот тўлик етказиб берилгандан кейин 5 банк кунида ўтказишни ўз зиммасига олади.

3.2. Тўлов тури: пул ўтказиш

4. Шартноманинг бажарилиш муддати

4.1. Шартноманинг 1.2-бандида кўрсатилган маҳсулот «Харидор»га шартнома имзолангандан кейин 5 кун вақт ичида берилиши шарт.

4.2. Шартноманинг амал қилиш муддати: 2022йил «25» ноябрдан 2022 йил «31» декабригача ўз кучида қолади.

5. Тарафлар ҳуқуқлари

5.1. «Харидор»нинг ҳуқуқлари:

5.1.1. Ушбу шартнома асосида белгиланган маҳсулотларни ўз вақтида ва сифатли маҳсулотни етказишни «Сотувчи»дан талаб қилишга;

5.1.2. «Сотувчи»дан шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик натижасида етказилган зарарни талаб қилишга ҳақлидир.

5.2. «Сотувчи»нинг ҳуқуқлари:

5.2.1. Ушбу шартнома асосида белгиланган маҳсулотлар учун олдиндан ҳақ тўлашни ва амалдаги шартнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисоб-китобларни амалга оширишни «Сотувчи»дан талаб қилишга;

5.2.2. «Харидор»дан шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик, маҳсулотни қабул қилишда асосиз равишда рад қилиш натижасида етказилган зарарни талаб қилишга ҳақлидир.

6. Тарафлар мажбуриятлари

6.1. «Сотувчи» мажбурияти: ВМ 08.05.2019 йилдаги 386-қарорига асосан «Сотувчи» «Харидор»га гўш маҳсулотларини етказиб беришда ихтисослаштирилган замонавий сўйиш корхонасининг Ф-200 шаклдаги маълумотномасини тақдим қилиш.

ВМ 08.05.2019 йилдаги 386-қарорига асосан «Сотувчи» «Харидор»га Сут маҳсулотларини етказиб беришда Сифат сертификати (УДОСТОВЕРЕНИЕ О КАЧЕСТВА) Ф-27 шаклдаги маълумотномасини тақдим қилиш.

6.1.1. Шартномада кўрсатилган талабларга риоя қилган ҳолда ўз вақтида «Харидор»га маҳсулотни бериш;  
6.1.2. Тегишли даражада сифатли маҳсулот юборилганлиги тўғрисида билдириш (хабарнома) олгандан сўнг сифатли бўлмаган мол-мулкни 1 кун ичида алмаштириб бериш ёки ушбу шартноманинг 1.2-бандига асосан сифатли бўлмаган маҳсулот баҳоси микдоридagi пул маблағини қайтариб бериш.

6.2. «Харидор» мажбурияти:

6.2.1. Маҳсулотни қабул қилиш далолатномасини тузган ҳолда ушбу шартномада ва қонун ҳужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига қараб муддатида маҳсулотни қабул қилиб олиш;

6.2.2. Тегишли даражада сифатли бўлмаган маҳсулот келиб тушгани аниқлангандан кейин, бу ҳақда далолатнома ёзилиб, 24 соат ичида «Сотувчи»ни огохлантириш.

6.2.3. Маҳсулотнинг баҳосини ушбу шартномада белгиланган микдорда ва муддатда тўлаш.

## 7. Тарафлар жавобгарлиги

7.1. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган ҳолларда, «Сотувчи» «Харидор»га кечиктирилган ҳар бир кун учун товар етказиб берилмаган маҳсулотнинг 0,5 фоизи микдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

7.2. Агар етказиб берилган товарлар, бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар сифати, ассортимент ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонунчиликда ёки ҳўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб олувчи (буюртмачи) товарларни (ишларни, хизматларни) қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, етказиб берувчидан (пудратчидан) сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар (ишлар ва хизматлар) қийматининг 20 фоизи микдорида жарима ундириб олишга, агар товарлар (ишлар ва хизматлар) ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берганлик учун жарима етказиб берувчидан (пудратчидан) ақсептсиз тартибда ундириб олинади.

7.3. Шартнома талабларида кўрсатилган сифатлардаги ҳамда бутлашдаги мол-мулк берилмаган бўлса «Харидор» етишмаётган қисмлар қийматини қўшган ҳолда, «Сотувчи»дан бут бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи микдорида жарима ундиришга ҳақли.

7.4 Бут бўлмаган товарлар етказиб берилган тақдирда сотиб олувчи (буюртмачи):

товарларни бутлаб беришни талаб қилишга ҳақли. Етказиб берувчи сотиб олувчининг (буюртмачининг) талабини олган пайтдан бошлаб, агар тарафларнинг келишувида ўзга муддат белгиланган бўлмаса, ўн беш кунлик муддат ичида товарларни бутлаб бериши шарт;

бундан буён товарлар бутлаб берилгунга қадар уларнинг ҳақини тўлашдан бош тортишга, агар товарларнинг ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, белгиланган тартибда тўланган суммалар қайтарилишини талаб қилишга ҳақли; етишмаётган қисмлар қийматини қўшган ҳолда, етказиб берувчидан бут бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи микдорида жарима ундиришга ҳақли.

Товарларни етказиб берувчи белгиланган муддатда товарларни бутлаб бермаса, сотиб олувчи (буюртмачи) бут бўлмаган товарларни қайтариб беришга ҳамда бут бўлмаган товарларни бут товарларга алмаштиришни талаб қилишга ҳақлидир.

7.5. Етказиб берилган товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун сотиб олувчи (буюртмачи) етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган микдорида пеня тўлайди.

7.6. Тарафларнинг жавобгарлик ҳолатлари Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисидаги» Қонуни бўйича амалга оширилади.

7.7. Жарима тўлаш тарафларни шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

## 8. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ШАРТЛАШУВ

8.1.. Ушбу шартноманинг ҳар бир томони ўзига нисбатан қўлланиладиган барча, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ва норматив ҳужжатларидаги Коррупцияга қарши тегишли шартлар ва талабларни тушуниши ҳақида бир-бирини ишонтиради ва уларга амал қилишини қафолатлайди. Истеъмолчи ушбу шартнома амалда бўлган бутун давр мобайнида у (шунингдек унинг мансабдор шахслари, директорлари, ходимлари, агентлари ва бошқа вакиллари) Таъминотчи қорхонанинг манфаатларида унинг агенти ёки вакили сифатида ҳаракат қилиб, Таъминотчи қорхонанинг ҳамда Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ва норматив ҳужжатларининг Коррупцияга қарши тегишли шартлари ва талабларига қатъий риоя этиш мажбуриятини олади.

8.2. Томонлар мазкур шартноманинг амал қилиш даврида ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан боғлиқ равишда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши қурашишини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари нормаларини бузиш мумкин бўлган ҳар қандай хатти-ҳаракатларни содир этмасликлари

юзасидан мажбуриятларни катъий эътироф этган холда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юкори даражада таъминлаш ва коррупсия ҳолатларига мурасасиз курашиш чораларини кўради.

#### 9. Форс-мажор ҳолатлари

9.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. Уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер кимирлаши, сув тошқини, ёнғин ва бошқа табиий офатлар шулар жумласидандир.

9.2. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган куч уч ой узлуксиз давом этса, тарафлар, бир-бирини ёзма равишда огоҳлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиши мумкин.

#### 10. Низони ҳал қилиш тартиби

10.1. Ушбу шартномада ёки унга боғлиқ масалалар юзасидан келиб чиқадиган барча низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади.

10.2. Тарафларнинг келишуви билан ҳал қилиб бўлмайдиган низолар конун ҳужжатларида белгиланган тартибда Иктисодий суди орқали ҳал қилинади.

#### 11. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби

11.1. Ушбу шартномага киритилган барча ўзгартириш, қўшимчалар фақат иккала тараф томонидан ёзма равишда тузилиб, имзо қўйилиб, газначилик булимидан руйхатдан утқазилгандан кейингина юридик кучга эга бўлади.

11.2. Шартномани тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Иктисодий судига муроҷжат қилиши ҳамда амалдаги конун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган холда муддатидан илгари бекор қилиши мумкин.

#### 12. Бошқа ҳолатлар

12.1. Ушбу шартнома иккала тараф учун бир хил юридик кучга эга бўлиб икки нусхада тузилган.

12.2. Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-594 сонли қарорига мувофиқ Газначилик бўлимида руйхатга олингандан кейин конуний кучга қиради.

12.3. Тарафларнинг бошқа талаблари: \_\_\_\_\_

#### 12. Тарафларнинг юридик манзилгоҳи ва тўлов реквизитлари

«URGENCH FOOD CENTER» МЧЖ	Урганч туман МТБ
Манзил: Урганч туман Чаккашоликор қишлоғи	Манзили: Урганч туман мустақиллик кучаси 36
Тел: 98-277-33-73	Тел:\факс: 35-21-146 35-21-147
Банк: АТ Алока банк Хоразм филиали	Шхр: 100022860332177091100251002 ИНН: 305153462 ОКОНХ: 92400
x\p: 20208000905185275001	Молия вазирлиги газначилиги
ИНН: 307 172 034	x\p: 23402000300100001010
МФО: 00401	ХККМ Марказий банк Тошкен шаҳар
ОКОНХ: 46390	инн: 201122919 МФО: 00014



Р.Абдалазизов



О.Пирназаров

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUIJATLARNING QONUN  
HUIJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY  
XULOSA**

SK1788123086

1. Loyihaning turi : Shartnoma

2. Loyihaning nomi: **MAHSULOT ETKAZIB BERISH SHARTNOMASI**

«URGENCH FOOD CENTER » MCHJ bilan 210 335 600 (Ikki yuz o'n million uch yuz o'ttiz besh ming olti yuz) so'mlik

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Urganch tuman maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan 24.11.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Urganch tuman  
yuridik markazi  
markaz rahbari:**



**J.K.ATADJANOV**

25.11.2022

## МАЪЛУМОТНОМА.

Урганч туман мактабгача таълим бўлимига қарашли МТТ ларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 октябрда “2022–2023 йилларнинг қиш-баҳор мавсумида аҳоли ва ижтимоий соҳа муассасаларининг асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш бўйича қўшимча Урганч МТБ томонидан энг яхши таклифларни танлаб олиш электрон порталига 2022-йил 15-ноябрда 22110012189097–сонли Лот рақами билан жойлаштирилди ва 22-ноябрда танлов тугади.

Ушбу танловда “URGENCH FOOD CENTER” МЧЖ ва “XORAZM HUMOYUN INVEST” МЧЖ қатнашдилар ва туман МТБ томонидан қўйилган талаблар асосида жами ҳисобда 100,0 балл тўплаб “URGENCH FOOD CENTER” МЧЖ ғолиб деб топилди ва 2 кун муҳокама қилиниб талабгорлар томонидан ҳеч қандай этирозлар бўлмади ва ғолиб ташкилот билан 25-ноябр куни МАҲСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТНОМАСИ қилинди.

Ушбу маълумотномани тўғри деб куйида имзо чекувчи комиссия аъзолари:

1. Д.Исмоилов
2. Д.Майлиева
3. А.Жуманиязов
4. Ш.Рахимов
5. А.Эгамбергенов

